



2019

*“Madad Invest Bank” АТБ томонидан  
2019 йилнинг 9 ойи давомида амалга  
оширилган ишлар бўйича*

# ҲИСОБОТИ

## МУНДАРИЖА

Умумий маълумотлар .....	3
Банк активлари ва мажбуриятлари .....	4
Даромад ва харажатлар .....	7
Ходимлар билан ишлаш .....	9
Соф фойда ва бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши .....	11

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

«Мадад Инвест Банк» АТБ томонидан 2019 йилнинг 9 оyi давомида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эришиш, жумладан банкнинг асосий ривожланиш концепциясини амалга ошириш мақсадида, даромад келтирувчи банк активлари салмоғини банк капитали ҳамда жалб қилинган депозит маблағларини самарали жойлаштириш орқали ошириб борилди. Банк миждозлар базасини кенгайтирган холда мавжуд ички имкониялардан тўлиқ, фойдаланиб банк рентабеллигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди. Шу ўринда банкда зарурий штат бирликларини жорий этиш ва уларни малакали ходимлар билан бутлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12-сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270 сонли Қарори иждросини таъминлаш ва ҳалқаро даражада рақобатбардош молия муассасасига айлантириш мақсадида, 2019 йилда банк хизматлари кўрсатишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларини узлуксиз кредитлаш ва инвестиция лойихаларини молиялаштириш ҳамда масофавий интерактив банк хизматлари турини кўпайтириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини банк хизматларига кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг натижасида 2019 йилнинг 1 октябр ҳолатига банк активлари - 216 519 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33 831 млн сўмга ёки 119 фоизга ўсди. Шундан даромад келтирувчи активлар - 151 161 млн сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан - 71 649 млн сўмга ёки 190 фоизга ўсди. Шу ўринда даромад келтирадиган активлар салмоғини ўсиб борган бир пайтда мажбуриятларни камайиши кузатилди, банк мажбуриятлари -93 111 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан - 2 159 млн сўмга камайишига эришилди.

Банк даромади - 23 860 млн сўмни, харажатлар -12 688 млн сўмни, соф фойда эса - 11 172 млн сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан - 8 236

млн сўм ёки – 380 фоизга куп фойда олинишига эришилди. Натижада банк бизнес режаси – 1 252 млн сўм кўп соф фойда олиниши билан 113 фоизга бажарилди.

Банк капитали – 123 408 млн сўмни ташкил этиб, бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,41 баробарга ёки – 35 990 млн сўмга кўпайди.

Банк ишчи ходимлари сони 82 тани ташкил этиб утган йилнинг худди шу даврига нисбатан 19 тага кўпайди.

Банк мижозлари сони 8 800–тани, шундан -683та юридик шахс ҳамда -8117та жисмоний шахсларни ташкил этди. Бунда юридик шахслардан: -4та давлат корхонаси, -578та хусусий корхона ва МЧЖлар, -96та фермер хужаликлари мижозлардан иборат. Шу ўринда ўтган йилнинг шу даврида банк мижозлари –4529тани ташкил этган бўлиб, ўтган даврда мижозлар сони – 4271тага кўпайди.

Банк фаолиятини чуқурроқ, тахлил киладиган булсак, куйидагиларни кўриш мумкин:


### Банк активлари

Банк активлари йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўсиб бориш динамикасини куйидаги жавдалда кўришимиз мумкин:


млн сўм.

Кўрсаткичлар	2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	2019 йил 1 апрел ҳолатига	2019 йил 1 июль ҳолатига	2019 йил 1 октябр ҳолатига	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Нақд пуллар	3 108	7 061	3 291	3 218	9 362	6 254	6 144
Вакиллик ҳисоб рақамдаги пуллар	96 407	105 888	61 471	62 047	50 828	-45 579	-11 218
Ссудалар (соф холда)	79 912	110 100	124 388	147 112	151 561	71 649	4 449
Асосий воситалар	1 883	2 062	2 027	2 284	2 155	272	-129
Бошқа активлар	1 378	516	1 810	1 424	2 613	1 235	1 190
<b>Жами</b>	<b>182 688</b>	<b>225 627</b>	<b>192 987</b>	<b>216 084</b>	<b>216 519</b>	<b>33 831</b>	<b>435</b>

### Банк активларининг 2019 йилдаги ўзгариш динамикаси



### Банк активлари таркиби қуйидагича улушларни ташкил этди:




## Банк мажбуриятлари


Банк мажбуриятлари таркибини ўзгариши таҳлил этилганда йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўсиб бориш динамикасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин: млн сўм

Кўрсаткичлар	2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	2019 йил 1 апрел ҳолатига	2019 йил 1 июль ҳолатига	2019 йил 1 октябр ҳолатига	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Талаб қилиб олингунча	42 888	63 622	33 752	30 103	13 300	-29 588	-16 803
Жамғарма	243	19	227	139	140	-104	1
Муддатли	251	36 938	32 638	24 768	29 233	28 982	4 466
Олинган кредитлар	2 565	2 622	2 589	9 564	9 741	7 176	178
Бошқа депозитлар	12 085	3 572	3 135	29 453	40 584	28 499	11 131
Бошқа мажбуриятлар	37 238	6 664	5 955	3 808	113	-37 125	-3 696
<b>Жами</b>	<b>95 270</b>	<b>113 438</b>	<b>78 296</b>	<b>97 835</b>	<b>93 111</b>	<b>-2 159</b>	<b>-4 724</b>

### Банк мажбуриятларининг 2019 йилдаги ўзгариш динамикаси



Банк мажбуриятлари таркиби қуйидагича улушларни ташкил этди:



### Банкнинг молиявий натижалари таҳлили


Даромад ва харажатлар таркиби қуйидагилардан иборат бўлди:

млн сўм

Кўрсаткичлар	2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	2019 йил 1 апрел ҳолатига	2019 йил 1 июль ҳолатига	2019 йил 1 октябр ҳолатига	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Фоизли даромадлар	8 497	13 572	5 766	12 843	20 359	-7 806	42
Бошқа банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромад	0	0	0	0	2	2	2
Ссудалардан олинган фоизли даромадлар	8 336	13 239	5 604	12 524	19 886	11 550	7 362
МБ ҳисоб рақами даромади	0	0	0	0	0	0	0
Берилган лизингдан олинган фоизли даромадлар	162	333	162	319	472	310	153
Фоизсиз даромадлар	1 723	2 755	934	2 087	3 501	1 778	1 415

Комиссион даромадлар	1 280	1 961	489	1 076	1 450	170	374
Чет эл валютаси билан боғлиқ даромадлар	389	700	223	637	1 059	670	422
Бошқа даромадлар	54	93	221	373	992	939	619
<b>Жами даромадлар</b>	<b>10 220</b>	<b>16 326</b>	<b>6 699</b>	<b>14 929</b>	<b>23 860</b>	<b>13 640</b>	<b>8 931</b>
Фоизли харажатлар	1 976	2 005	37	209	542	-1 434	333
Депозитларга фоизли харажатлар	1 961	1 968	15	125	347	-1 613	222
Ссудалар бўйича фоизли харажатлар	15	37	22	84	194	179	110
Эқтимолӣ йўқотишларга захиралар	600	1 198	1 883	3 171	3 542	2 943	372
Фоизсиз харажатлар	612	1 216	370	676	938	326	262
Хизматлар бўйича комиссия харажатлар	406	923	174	334	487	81	153
Чет эл валютаси билан боғлиқ зарарлар	206	293	196	341	451	245	110
Операцион харажатлар	3 579	5 788	1 474	3 529	5 632	2 053	2 103
Иш ҳақи ва бошқа харажатлар	1 730	2 741	916	2 070	3 242	1 511	1 172
Оффис арендаси тўлови	373	569	215	451	687	313	236
Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	166	187	45	130	164	-2	34
Маъмурий харажатлар	207	299	110	331	402	195	71
Хайрия	124	144	40	115	549	425	434
Эскириш харажатлари	252	375	132	266	413	161	148
Солиқ, сўғурталаш ва бошқа харажатлар	726	1 472	16	166	175	-551	9
<b>Жами харажатлар</b>	<b>6 765</b>	<b>10 207</b>	<b>3 765</b>	<b>7 584</b>	<b>10 654</b>	<b>3 888</b>	<b>3 070</b>
Фойда солиғини баҳолаш	518	960	480	1 333	2 035	1 517	702
<b>Соф фойда</b>	<b>2 936</b>	<b>5 160</b>	<b>2 455</b>	<b>6 012</b>	<b>11 172</b>	<b>8 236</b>	<b>5 159</b>

Банкнинг соф фойдаси ўсиш тенденциясини қуйида чизмада келтирилади:





### Ходимлар билан ишлаш.

Бугунги кунда банкда жами 82 нафар ишчи ходимлар фаолият юритаётган булиб, шундан 5 нафари бошқарув ходимлари, 31 нафари таркибий булинма бошликлари, 51 нафари мутахассилардан иборат. Банк ходимларининг 50 нафари олий иқтисодий маълумотли бўлиб, ундан 3 нафари банк молия академияси битирувчиларидир. Банкда урта ва ўрта махсус маълумотли малакали кадрларни қайта тайёрлаш буйича олий ўқув юртлари билан ҳамкорликлар олиб борилмоқда.

### Кредитлаш иши.

Банк томонидан 2019 йил давомида таваккалчиликни максимал даражада ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг турли соҳаларига, жумладан реал сектор тармоқларига: қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, саноат, транспорт ва коммуникацияга ҳамда жисмоний шахсларга 102 031 млн сўм кредитлар ажратилди. Кредит портфели қолдиғи ҳисобот даври якунига 155 353 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 74 812 млн сўмга ёки 193 фоизга кўпайди. Ҳисобот даври якунида банкда 428 млн сўм муддати ўтган кредит, 148 млн сўм суд жараёнидаги кредит қолдиғи мавжуд бўлиб, бу умумий кредит қўйилмалари суммасининг 0,4 фоизини ташкил этди.

### Кредит қўйилмалари ўсиш динамикаси

млн сўм

2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	2019 йил 1 апрель ҳолатига	2019 йил 1 июль ҳолатига	2019 йил 1 Октябр ҳолатига	Фарқи			
					Ўтган йилга нисбатан	%	Ўтган чоракка нисбатан	%
80 541	111 298	127 259	151 129	155 353	74 812	193	4 224	103

млн сўм

### Кредит қўйилмалари қолдиғининг 2018 йил 1 октябрга нисбатан ўсиб бориш динамикаси




Кредитларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда қўлланилган фоиз сиёсати ҳамда 2019 йил давомида “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида имтиёзли фоиз ставкаларида 8 млрд сўмдан ортиқ кредитлар ажратилгани ҳолда ўртача тортилган фоиз ставкаси 22 фоизни ташкил этди.

### Кредитларни иқтисодиёт тармоқлари бўйича ажратилиши

млн сўмда

Кўрсаткичлар	2018 йилда	2019 йил 1-чораги	2019 йил 2-чораги	2019 йил 3-чораги	2019 йилда	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан
Қишлоқ хўжалиги	16 707	2 238	547	381	3 166	-13 541	-166
Қурилиш	14 657	5 898	7 063	4 170	17 131	2 474	-2 893
Савдо ва умумий овқатланиш	25 503	4 139	5 585	3 533	13 257	-12 245	-2 052
Саноат	53 295	17 397	23 787	11 930	53 114	-181	-11 857
Транспорт ва коммуникация	6 095	0	620	1 600	2 220	-3 875	980
Бошқа соҳалар	15 680	2 616	8 320	2 206	13 142	-2 538	-6 114
<b>Жами</b>	<b>131 936</b>	<b>32 287</b>	<b>45 922</b>	<b>23 821</b>	<b>102 031</b>	<b>-29 906</b>	<b>-22 101</b>

2019 йил давомида ажратилган кредитларни соҳалар бўйича тақсимланиши куйидаги чизмада келтирилади:



Кўриниб турибдики ажратилган кредитларнинг катта улуши саноат соҳасига тугри келади. Бугунги кунда саноат ишлаб чиқариши бўйича давлат сиёсати фаоллашаётган шароитда бу ҳолат мантиқан ижобий ҳисобланади.

#### **Соф фойда ва бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши**

Банк даромади 23860 млн сўми, харажатлар 12688 млн сўми, соф фойда - 11172 млн сўми ташкил этиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8236 млн сўмга ёки 380 фоизга кўп фойда олинишига эришилди. Банк бизнес режаси 1 252 млн сўм ортиқча соф фойда олиниши билан ёки 113 фоизга бажарилди.

**Бошқарув раиси:**

**Ф.О.Камалов**